



Одамлар ичида Қиёмат куни шафоатим билан энг саодатманд бўладиган киши «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни қалбидан ихлос билан айтган кишидир», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар ичида Қиёмат кунида шафоатингиз билан энг саодатманд бўладиган киши ким бўлади?» дейилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Ҳурайра, аниқки, шу гапни сендан олдин ҳеч ким сўрамаслигини билар эдим, чунки ҳадисга ўта ҳарислигингни кўрганман. Одамлар ичида Қиёмат куни шафоатим билан энг саодатманд бўладиган киши «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни қалбидан ихлос билан айтган кишидир», дедилар.

[Тўғри матн] [Бухорий ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда инсонлар ичида Қиёмат кунида у зотнинг шафоати ила энг саодатманд бўладиган киши «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни, яъни Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, деб қалбидан ихлос билан айтган ҳамда ширкдан ва риёдан саломат бўлган киши эканини хабар бердилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3414>

